

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ
ИЖТИМОЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 27.06.2017.
ТАР.01.04 – РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

АЛИМОВА НАРГИЗАХОН ОДИЛОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИПАКЧИЛИКНИНГ АҲВОЛИ ВА
ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНИ (1865-1991 ЙИЛЛАР)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Алимова Наргизахон Одиловна

Ўзбекистонда ипакчиликнинг аҳволи ва трансформация жараёни (1865-1991 йиллар).....3

Алимова Наргизахон Одиловна

Состояние и процесс трансформации шелководства в Узбекистане (1865-1991 годы).....27

Alimova Nargizaxon Odilovna

Condition and transformation process of sericulture in Uzbekistan (1865-1991).....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ
ИЖТИМОЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 27.06.2017.
ТАР.01.04 – РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИМОВА НАРГИЗАХОН ОДИЛОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИПАКЧИЛИКНИНГ АҲВОЛИ ВА
ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНИ (1865-1991 ЙИЛЛАР)**

07.00.01– Ўзбекистон тарихи

**тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Таг171 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://ik-tarix.nuu.uz>) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шадманова Санавар Базарбаевна,
тарих фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Ҳайитов Шодмон Ахмадович,
тарих фанлари доктори, профессор

Исмоилова Жаннат Ҳамидовна,
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Қорақалпоқ Ижтимоий фанлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 27.06.2017. Таг.01.04 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат __даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1-қават, 110-аудитория. Тел.: (99871)227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz. Ўзбекистон Миллий университети).

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино). Тел.: (99871) 236-46-55, факс:(99871) 2246-02-04).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги __ - рақамли реестр баённомаси)

А.А. Маврулов
Илмий даражаларни берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.Э. Юнусова
Илмий даражаларни берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.д.

Г.А.Агзамова
Илмий даражаларни берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Замоनावий ривожланиш босқичида дунё давлатлари иқтисодий имкониятларини кенгайтиришга, жумладан саноат корхоналари учун муҳим хомашё – табиий ипак тола етиштиришга катта эътибор бермоқда. Жаҳон мамлакатларида ипак маҳсулотлар тайёрлашда рақобатлаша оладиган тизимни вужудга келтириш, табиий тола етиштиришнинг янада самарали усуллари амалда қўллаш ва соҳа инфраструктурасини такомиллаштириш, ипакдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, соҳада экспорт салоҳиятини юксалтириш масалаларининг аҳамияти ортмоқда. Ипакчилик анча ривож топган Хитой, Ҳиндистон, Япония, Жанубий Корея, Вьетнам каби мамлакатларда пилла етиштириш долзарб масалалардан биридир. Бугунги кунда агротехник тадбирлардан унумли фойдаланиш, табиий толалар сифатини янада яхшилаш бўйича инновацияларни татбиқ қилиш, саноат корхоналарини сифатли ипак хомашёси билан таъминлаш ипакчилик соҳасининг муҳим вазифалари сифатида қаралмоқда.

Жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, ипакчиликнинг аҳволи, ривожланиши тарихи масалаларига бағишланган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, ўлка иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришлар, қишлоқ хўжалигининг аҳволи, ипакчиликнинг вужудга келиши, чидамли ва ҳосилдор янги ипак курти навларини яратилиши тарихи, ипакдан тайёрланган беқасам, банорас, адрас каби ипак матолар ҳамда уларнинг ички ва ташқи савдосидаги ўрни масалалари тадқиқ этилган. Жаҳон миқёсидаги бу илмий изланишлар натижасида ипак куртларининг янги маҳсулдор, чидамли турларини яратиш ва сифатли ипак матолар тайёрлаш масалалари бўйича муҳим янгиликлар қўлга киритилган.

Ўзбекистонда ипакчилик муҳим тармоқлардан бири сифатида эътироф этилади. Ипакчилик соҳасини ривожлантириш мақсадида ўтган йиллар мобайнида тармоқнинг замоनावий моддий-техник базаси шаклланди, ипакчилик тизими мутлақо ўзгарди. Шунингдек, ипакчилик маҳсулотларининг савдоси ҳамда ўзаро тажриба алмашиш учун халқаро ҳамкорликка кенг йўл очиб берилди. Ипакчилик саноатига чет эл инвестицияларини жалб қилиш, ипак хомашёсини қайта ишлаш, жаҳон бозорида рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилишни кўпайтириш бўйича муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Ипакчилик соҳаси самардорлигини ошириш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, «Пиллачилик миллий қадриятимиз, бойлигимиз. Ундан уч мартагача ҳосил олиш, тайёр мато ишлаб чиқариб, катта даромад топиш имконияти бор¹».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2856-сон «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-

¹ Ҳосилдор тут нави Президентимизда катта таассурот қолдирди // <http://president.uz/uz/lists/view/1738> 19.05.2018.

тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2018 йил 12 январдаги ПҚ-3472-сон «Республикада ипакчилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017–2021йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси» ҳақидаги фармонида белгиланган масалалар, хусусан иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, миллий иқтисодий рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш билан боғлиқ жараёнларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ипакчиликнинг аҳволи ва ундаги ўзгаришлар жараёнини ўрганган муаллифларнинг асарларини даврий жиҳатдан тўрт асосий гуруҳга бўлиш мумкин: 1) Россия империяси ҳукмронлиги даврида яратилган асарлар; 2) совет ҳокимияти йилларида ёзилган тадқиқотлар; 3) мустақиллик давридаги илмий изланишлар; 4) хорижий мамлакатларда чоп этилган адабиётлар.

Биринчи гуруҳга мансуб адабиётларда Россия империяси ҳукмронлиги даврида ипак ишлаб чиқариш соҳасининг айрим жиҳатлари ўрганилган. Жумладан, ўлкадаги ипак қурти уруғи турлари, уларнинг парвариши, хомашёни қайта ишлаш, ипак мато тўқиш ва уларнинг турлари, нарх-наволар, ипак савдоси ва ундан олинган даромад, ипакчилик корхоналари фаолияти, ҳунармандлар ҳақидаги муҳим маълумотлар қайд этилган².

² Ханьков Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – 279 с.; Вамбери А. Очерки Средней Азии. – М., 1968. – 361с.; Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. – СПб, 1821. – 98 с.; Пашино П.И. Туркестанский край в 1866 г. Путевые заметки. – СПб, 1868. – 176 с.; Петровский Н.Ф. Шелководство и шелководство в Средней Азии. Отчет Министерству Финансов Агента в Туркестанском генерал-губернаторстве. – СПб., 1874. – 160 с.; Сельское хозяйство в Туркестанском крае. Составитель А.И. Шахназаров. – СПб., 1908. – С.360-389; Тимаев С. Шелководство в Туркестанском крае. Очерк. – СПб., 1910. – 29 с.; Масальский В.И. Туркестанский край / Россия. Полное географическое описание нашего отечества. Под ред. Н.П.Семенова Тянь-Шанского. Том XIX. – СПб., 1874. – 858 с.; Полевицкий А. Туркестанский край. – Екатеринбург, 1890. – 41 с.; Заорская В.В., Александер К.А. Промышленные заведения Туркестанского края. – Петроград, 1915. – 557 с.; Оглоблин В.Н. Промышленность и торговля Туркестана. – М., 1914. – С. 21, 22, 36.; Малаховский Н.И. Производственные силы Туркестана. – СПб., 1909. – С. 6–18.; Маев Н.А. Туркестанская выставка 1886 г. – Ташкент: Издание Туркестанского Отдела Императорского Российского Общества Садоводства, 1886. – С. 8, 16, 22; Головин Г. Кустарные промыслы Туркестана. – Ташкент, 1909. – 35 с.; Наливкин В.П., Наливкина М. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. – Казань: Типография императорского Университета, 1886. – С. 114–117.; Экономический обзор Туркестанского района (обслуживаемого Средне Азиатской железной дорогой) Составитель С.Гулишамбаров. – Асхабад, 1913. – С. 39; Гейер И.И. Путеводитель по Туркестану. – Ташкент, 1901. – С.28–32; Конопка С.Р. Туркестанский край. – Ташкент, 1913. – С.240; Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. – Ташкент: Типолиитография О.А.Порцева, 1912. – С. 389.

Иккинчи гуруҳ адабиётлари совет ҳокимияти йилларида яратилган бўлиб, 1920–1950 йиллардаги тадқиқотлар иқтисодий характерга эга эди. Уларда асосан ипакчиликнинг иқтисодий жиҳатлари, хусусан, ипакчилик ва ипак ишлаб чиқариш корхоналарининг аҳволи тўғрисидаги маълумотлар ёритилган³.

1950-йиллардан бошлаб ипакчилик тарихига оид диссертация тадқиқотлари олиб борилган⁴. Уларда ипакчилик саноатининг аҳволи, Марғилон ипакчилик корхонаси ишчиларининг маиший, маданий ҳаёти, Туркистон хунармандлари томонидан ипак ва ипак матолар тайёрлаш жараёни, Туркистон ўлкасида пилла етиштириш масаласи, ипак курти уруғчилиги корхоналари, пиллакашлик фабрикаларининг фаолияти, шунингдек, соҳадаги муаммолар атрофлича ёритилган⁵.

1970–1980 йилларда яратилган тадқиқотларда эса XIX аср охири – XX аср бошларида ўлканинг пилла етиштириш соҳасидаги аҳволи, бу иш билан шуғулланган уста-хунармандлар ва уларнинг кўرғазмалардаги иштироки, ипак маҳсулотлари савдоси масалаларини ўрганишга эътибор қаратилган⁶.

Ушбу йилларда ипакчиликка доир иқтисодчи олимлар тадқиқотларида республикада пиллакашлик фабрикалари сонининг ортиб бориши, пилла қуритиш муассасалари, ҳосилдорлик кўрсаткичлари, қишлоқ хўжалигига оид тадқиқотларда ипак курти уруғининг касалликлари ва селекцияси, ипакчиликнинг илмий-техникавий жиҳатлари ўрганилган. Шунингдек, тиббиёт бўйича амалга оширилган тадқиқотларда ипакчилик завод ва фабрикалари ишчиларининг меҳнат шароити, касб касалликлари тўғрисидаги маълумотлар таҳлил этилган⁷.

³ Анучин С.А. Шелководство и шелкообрабатывающая промышленность Туркестана, Азербайджана, Грузии и Центрально-промышленного района СССР. – М.-Л., 1925. – 108 с.; Белоцерковская К.А. Организация шелководства и шелковой промышленности Средней Азии // Народное хозяйство Средней Азии. – 1928. – №7-8. – С.35–41; Пономарев П.М., Трудов М.А., Шмаков П.А. Шелкообрабатывающая промышленность Узбекистана. – Ташкент: Гостехиздат УзССР, 1941. – 68 с.; Гудошников В.С., Минасянц С.А., Суханов А.А. Шелководство социалистического Узбекистана. – Ташкент, 1949. – 62 с.; Эрлих Д.Д. Народное хозяйство социалистического Узбекистана. – Ташкент: Государственное издательство УзССР, 1947. – С. 75-76; Экономическая история советского Узбекистана (1917–1965 гг.) – Ташкент: Фан, 1966. – 372 с.; Проблемы развития экономики Узбекистана (Сборник статей). – Ташкент: Акад. наук УзССР, 1963. – С. 221.

⁴ Курбангалиева Р. Быт и культура рабочих узбеков шелковой промышленности города Маргилана: автореф. дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 1966. – 24 с.; Файзилова З. Кустарно-ремесленное производство в Туркестане во второй половине XIX – начале XX вв.: автореф. дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 1979. – 19 с.; Чуманова Н.И. Развитие шелководства в Узбекистане: автореф. дисс. канд. экон. наук. – Ташкент, 1950. – 21 с.

⁵ Атакузилова С.Х. История развития шелководства в Туркестане во второй половине XIX – начале XX вв.: автореф. дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 1988. – 21 с.

⁶ Ўзбекистон ССР тарихи. IV томлик. Учинчи том. / Бош муҳаррир: И.Мўминов. – Тошкент: Фан, 1971. – Б. 498; Ўзбекистон ССР тарихи. IV томлик. Тўртинчи том. / Бош муҳаррир: И.Мўминов. – Тошкент: Фан, 1971. – Б. 200–203.; Социально-экономическое и политическое положение Узбекистана накануне октября (Масъул муҳаррирлар: К.Е.Житов, Х.З.Зияев) – Ташкент: Фан, 1973. – Б. 41, 58,61; Лукин Б.В. Свет из прошлого // Звезда Востока. – Ташкент, 1990. – № 6. – С.126-127; Махкамов А. Взаимоотношения России с Восточным Туркестаном через Коканд во второй половине XIX – начале XX веков / Востоковедение. История. Филология. – Ташкент, 1987. – С.24.

⁷ Проблемы развития экономики Узбекистана (Сборник статей). – Ташкент: Акад. наук УзССР, 1963. – С. 221; Экономическая история советского Узбекистана (1917–1965 гг.) – Ташкент: Фан, 1966. – 372 с.; Хафизов Н. Шелководство Средней Азии (Развитие и экономика). – Ташкент: Узбекистан, 1969. – 168 с.; Искандеров И. Текстильная промышленность Узбекистана. – Ташкент, 1974. – 311 с.; Михайлов Е.Н.

Мустақиллик йилларида ҳам ипакчилик соҳаси ва унинг тарихини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилиб, тарихчи олимлар амалга оширган тадқиқотларда муаммонинг айрим жиҳатлари таҳлил этилди. Жумладан, ипакнинг келиб чиқиши⁸, Россия империяси ҳукмронлиги йилларида Фарғона водийси мисолида пилла етиштириш аҳволи ва савдоси⁹, XIX аср охири – XX аср бошларида ўлка шаҳарларида пилла етиштириш, ипак, ярим ипак матолар ишлаб чиқариш ва уста-хунармандлар¹⁰, Туркистон матбуотида ипакчилик¹¹, ўлкадаги пиллакашлик корхонаси фаолияти масалалари ёритилди¹².

Шунингдек, хунармандчилик тарихига бағишланган айрим тадқиқотларда XVI – XIX асрларда Ўзбекистон шаҳарларида ипак матолар савдоси¹³, XIX аср охири – XX аср бошида Бухоро¹⁴ ва Фарғона водийсида ипакчилик билан боғлиқ хунармандчилик¹⁵, соҳанинг қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ жиҳатлари, ипак савдосида акциядорлик жамиятларининг ўрни, XIX аср охири – XX аср бошларида Фарғона вилоятида пилла етиштириш ва ипакчиликка доир айрим маълумотлар акс этган¹⁶. Булардан ташқари, ипакчилик бўйича қатор оммабоп китоблар ҳам нашр қилинган¹⁷.

Мустақиллик йилларида иқтисодчи олимларнинг ишларида¹⁸, техника фанларига доир тадқиқотларда пилла ва ипак сифатини жаҳон андозалари

Инфекционные болезни тутового шелкопряда. – Ташкент: Ўқитувчи, 1984. – 296 с.; Кутлоев Ю.С. За ликвидацию агронегрмотности за повышение доходности шелководства. – Ташкент, 1932. – С. 139.; Лapidус Л. А. Развитие кокономотальной промышленности в Узбекской ССР. – Ташкент, 1971. – 42 с.; Хасанов Т.З. Вопросы гигиены труда и профессиональные заболевания среди работающих в шелковой промышленности. – Ташкент: Медицина Уз ССР, 1974. – 15 с.; Верховская Р.И. Санитарно-гигиенические условия труда в гребном производстве // Медицинская мысль Узбекистана и Туркистана. – Ташкент, 1930. – № 6–12. – С. 88–94.

⁸ Аскарлов А.А. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994.; Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – Б. 86,88, 130.; Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар. – Фарғона: «Фарғона» нашриёти, 2013. – Б. 55.; Бердимуродов А., Индиаминова Ш. Буюк ипак йўли (Қиъалар ва асрлар оша). – Тошкент: O`zbekiston, 2017. – Б.23–26.

⁹ Зиёев Х. Ўзбекистон мустамлака ва зулм исканжасида. – Тошкент: Шарқ, 2006. – Б. 156–183.

¹⁰ Зияева Д.Х. Ўзбекистон шаҳарлари XIX аср охири – XX аср бошларида. Тошкент: Munis design group, 2013. – Б. 81, 84, 91–93, 174, 175, 315.; Агзамова Г. Ўзбекистон шаҳарлари XVI – XIX асрнинг ўрталарида. – Тошкент: Adabiyot uchqunlari, 2017. – Б. 74–169.

¹¹ Шодмонова С.Б. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида. – Тошкент: Yangi nashr, 2011. – Б. 69–72.

¹² Исмоилова Ж. XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошларида Тошкентнинг “янги шаҳар” қисми тарихи. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2004. – Б. 48.

¹³ Агзамова Г.А. XVI – XIX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистон шаҳарлари ва шаҳарлар ҳаёти : тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. – Тошкент: 2000. –317б.;

¹⁴ Қиличев Р.Э. XIX аср охири – XX аср бошида Бухоро шаҳрида хунармандчилик: тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. – Тошкент, 1997. – Б.32–35.

¹⁵ Фарманова Б.А. Ремесленное производство в Ферганской долине во второй половине XIX в. –начале XX в.: дисс. канд. ист.наук. – Ташкент, 1995. – С.47–61.; Тўхтаев А.Қ. Ўзбекистонда миллий хунармандчилик ва уни “социалистик” асосда саноатлаштиришнинг ижтимоий оқибатлари: тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент: 2001. – Б.28–34.

¹⁶ Насыров О.Н. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда акциядорлик жамиятлари ва ширкатлар тарихи: тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. – Тошкент: 2009. – 33 б.; Обламуратов Н. Развитие аграрного производства Узбекистана в 1971–1990 гг. Опыт, уроки, проблемы: дисс. докт. ист.наук. – Ташкент, 1994. – 292 с.; Шарафиддинов А. Фарғона вилояти тарихидан лавҳалар (XIX аср охири – XX аср бошлари). – Фарғона, 2013. – Б.34, 35.

¹⁷ Мирзаахмедов Р, Муртазаев А. Марғилон замини жавоҳирлари. – Фарғона: «Фарғона» нашриёти, 2014. – 104 б.; Авлодларни боғловчи ришта. – Тошкент: Санъат, 2017. – 72 б.

¹⁸ Маджидов Ш.А. Ипакчилик тармоғида инвестицион фаолиятнинг самарадорлигини ошириш: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2010. – 33

даражасига кўтариш ҳамда янги структурали ўралган жарроҳлик ипак ипларини ишлаб чиқариш технологиясини яратиш¹⁹, қишлоқ хўжалигига доир тадқиқотларда тут ипак курти саноатбоп тухумларининг маҳсулдорлик хусусиятларини ошириш усулларини яратиш каби масалалар ўз ифодасини топган²⁰.

Тўртинчи гуруҳга кировчи хорижий тадқиқотларда Россия империяси ҳукуматининг ва совет ҳокимиятининг иқтисодий сиёсати ўлка иқтисодиётини бир ёқлама ривожлантиришга қаратилгани, жумладан, у хомашё манбаи бўлиб қолгани таъкидланади. Аммо баъзи хорижий тадқиқотчилар Россия империяси ҳукуматининг иқтисодий сиёсатини ижобий баҳолаган ҳолда, у Ғарб мамлакатларининг прогрессив тенденцияларини ўзида акс эттирганини таъкидлайдилар²¹. Ф.Эккер, А.Парк, Д.Уиллер, В.Конноли, В.Коларц каби тадқиқотчиларнинг ишларида совет ҳокимияти олиб борган аграр ўзгаришларга «мустамлака қарамлиги»ни кучайтириш чораси сифатида қаралган²².

Охириги 15–20 йил ичида Россия олимларининг Россия империясининг Туркистонда олиб борган сиёсати ва амалга оширган ишларига бағишланган тадқиқотларида ўлка иқтисодий ҳаёти тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилиб, ипакчилик саноати инқирозга учрамагани, Марғилон ва Самарқанд шаҳарларида бу соҳа анча ривожлангани, улар фабрика рақобатида синмагани таъкидланади²³.

Юқорида келтирилган адабиётлар ҳамда тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ипакчилик тарихи юзасидан бир қатор изланишлар олиб борилган бўлса-да, ундаги аҳвол ва трансформация жараёнлари бўйича яхлит тарзда, махсус илмий тадқиқот яратилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

б.; Остонакулова Г.М. Ипакчилик тармоғини ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси (Ўзбекистон Республикаси мисолида): иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2010. – 32 б.

¹⁹ Қобулова Н.Ж. Плёнка остида етиштирилган пилла ва ипак ипларининг технологик хусусиятлари: техника фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. – Тошкент: 2007. – 128 б.; Аҳмедов Ж.А. Янги структурали ўралган жарроҳлик ипак ипларини ишлаб чиқариш технологиясини яратиш: техника фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. – Тошкент, 2010. – 96 б.; Алимова Х.А. Пилла ва ипак сифатини жаҳон андозалари даражасига кўтарайлик // Ипак. – 1996. – № 1. – Б.4.

²⁰ Умаров Ж.Ш. Ёз-куз мавсумида ипак куртини саноатбоп тухумларини тайёрлашнинг самарали технологиясини яратиш: қишлоқ хўжалик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. – Тошкент, 1999. – 148 б.; Тўйчиев Ж.Ш. Тут ипак курти саноатбоп тухумларининг наслдорлик ва маҳсулдорлик хусусиятларини ошириш усулларини яратиш: қишлоқ хўжалик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. – Тошкент, 2001. – 99 б.

²¹ Seton-Watson. The New Imperialism. – London, 1964. – P.124; Pierser R. Russian Central Asia. – London, 1960. – P.302.

²² Kolarz W. Russia and Her Colonies. – London, 1954; Ecker F. Uzbekistan under Soviets. – Massachusetts, 1954; Park A. Bolshevism in Turkestan (1867-1917). – New York, 1957; Connolly V. Beyond the Urals. Economic Development in Soviet Asia. – Z., 1967; Hayit B. Turkestan im XX Jahrhundert. – Darmstadt, 1956; Ders. Turkestan zwischen Russland und China. – Amsterdam, 1971.; Wheeler G. The Modern History of Soviet Central Asia. – London, 1964. – P.135. ва бошқалар.

²³ Соколов В.В. Туркестанский край в составе Российской империи, вторая половина XIX в. – февраль 1917 г.: Проблемы социально-экономического и общественно-политического развития: автореф. дисс. доктор. ист. наук. – Москва, 2002. – С.32.

Тадқиқот иши Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш билан боғлиқ концептуал вазифалардан келиб чиқиб танланган ва Фарғона давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган. Диссертациянинг айрим хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институтида амалга оширилаётган ОТ-Ф1-133 Ўзбекистоннинг энг янги тарихи (4 жилдлик) фундаментал лойиҳа (2017–2020 йиллар) доирасида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг мақсади 1865–1991 йиллар давомида, яъни Россия империяси ҳукмронлиги ва совет ҳокимияти йилларида ипакчилик соҳасидаги аҳвол, трансформация жараёнларини моҳиятини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ипакчиликнинг аҳволи, анъаналар ва ундаги ўзгаришлар билан боғлиқ жараёнларнинг асосий хусусиятларини ёритиб бериш;

Туркистон аҳолиси кундалик ҳаёти ва маҳаллий хунармандчиликда ипакчиликнинг ўрнини таҳлил қилиш;

Туркистон ички ва ташқи савдосида ипак маҳсулотларининг аҳамиятини ўрганиш;

ипакчилик соҳасидаги ўзгаришлар ва ислохотларнинг соҳага бўлган таъсирини ёритиб бериш;

Ўзбекистон ССРда ипак ишлаб чиқаришнинг аҳволи, бу соҳадаги ютуқ ва муаммоларни қиёсий таҳлил қилиш;

Ўзбекистон ССРнинг ички ва ташқи савдосида ипакчилик маҳсулотларининг ўрнини таҳлил қилиш;

ҳосилдорликни янада кўтариш шиори остида миқдор кетидан қувиш сиёсати оқибатида йўл қўйилган хато ва камчиликларни кўрсатиб бериш;

ипакчилик билан банд аҳолининг моддий аҳволини ўрганиш;

ипакчилик соҳасидаги ишчиларнинг меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш;

соҳадаги трансформация жараёнларини илмий тадқиқ этиш;

илмий хулосаларга таянган ҳолда Ўзбекистонда ипакчилик соҳасининг замонавий ривожига хизмат қилувчи таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини 1865–1991 йиллардаги ипакчилик соҳаси ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида Россия империяси ва совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда ипакчилик соҳасида рўй берган трансформация жараёнлари танланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Ушбу масала тарихийлик тамойилига амал қилинган ҳолда тадқиқ этилди. Тадқиқотда қиёсий, тизимли таҳлил ва миқдорий таҳлил усулларида фойдаланилди. Жумладан, Россия империяси ҳукмронлиги даврида ва совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда ипакчиликнинг аҳволи, ундаги трансформация жараёнлари, ютуқ ҳамда муаммолари тизимли, қиёсий таҳлил этилди. Шунингдек, ипакчилик соҳасига оид маълумотлар миқдорий таҳлил ёрдамида ҳисоб-китоб қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XIX аср охири – XX аср бошларида маҳаллий тадбиркорларнинг ипак курти уруғи турларини яхшилаш, ипак маҳсулотлар сифатини ошириш ва ипак савдосидаги иштироки очиб берилган;

аксарият хомашё Россия империяси губернияларига ташиб кетилгани шароитида Туркистондан ипак ва ипак маҳсулотларининг хорижий фирмалар томонидан олиб чиқиб кетилишидан моддий манфаатдор бўлган мустамлака ҳукумати уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилмагани натижасида маҳсулотлар савдосида Шарқ мамлакатлари каби Ғарб давлатларининг имконияти ошганлиги аниқланган;

совет ҳокимияти йилларида пилла етиштириш ва қайта ишлаш саноатида даромад ортиб боришининг асосий мезони этиб миқдорий кўрсаткичлар белгиланиши оқибатида маҳсулотнинг сифат даражаси пасайиб кетгани асослаб берилган;

ипакчилик соҳаси ишчи-ходимларининг меҳнат муҳофазаси етарли даражада йўлга қўйилмагани оқибатида касб касалликлари билан хасталаниш даражаси ортиб боргани исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Ўрганилаётган даврда ипакчилик соҳасидаги трансформация жараёнлари кўрсатиб берилган;

1865–1991 йилларда ипакчиликнинг аҳволи, унинг қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳамда миллий ҳунармандчилик тармоғи сифатидаги ўрни, бошқарув тизимидаги ўзгаришлар ҳамда ипакчилик илмий асосларининг яратилиши натижасида пилла етиштириш кўрсаткичларининг доимий ортиб боргани каби жиҳатлари очиб берилган;

1865–1991 йиллар давомида пилла етиштириш, ипак маҳсулотлар тайёрлашда бошқа ҳудудларга нисбатан Фарғона водийси доимий етакчи ўринда тургани асослаб берилган;

Ўрганилаётган даврда ипакчилик билан шуғулланган аҳолининг меҳнат шароити ва меҳнат муҳофазаси масалалари ҳамда тармоқнинг ютуқ ва муаммолари ёритилган.

1865–1991 йилларда ипакчиликдаги аҳвол ва трансформация жараёнларига доир материаллар яхлит тизимга солиниб, умумлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация 1865–1991 йилларда Ўзбекистонда ипакчилик тарихига доир архив ҳужжатлари, даврий матбуот материаллари ҳамда оғзаки тарих усуллари орқали йиғилган аҳоли билан суҳбат натижалари асосида тадқиқ этилгани билан асосланади. Манбаларнинг биринчи гуруҳи турли архивлардан йиғилган бўлиб, улар республика²⁴, Фарғона²⁵, Самарқанд²⁶, Бухоро²⁷, Андижон²⁸ ва Наманган²⁹

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви. И.1, 19, 23, 27, 132, 469 фондлар; Р. 1, 9, 17, 20, 25, 86, 88, 89, 90, 95, 107, 132, 320, 765, 831, 837, 2163, 2399, 2675, 2676 фондлар; Ўзбекистон Республикаси Илмий-техник ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий давлат архиви. 62, 107-фонд.

²⁵ Фарғона вилоят давлат архиви. 96-фонд; Марғилон шаҳар давлат архиви. 761-фонд.

²⁶ Самарқанд вилоят давлат архиви. 260-фонд, 494-фонд, 926-фонд.

²⁷ Бухоро вилоят давлат архиви. 53-фонд, 492-фонд, 500-фонд, 505-фонд.

²⁸ Андижон вилоят давлат архиви. 558-фонд.

²⁹ Наманган вилоят давлат архиви. 570-фонд.

вилоят ҳамда шаҳарларидаги давлат архивларида мужассам бўлган. Ушбу архивнинг 40 дан зиёд фондидаги ҳужжатлардан фойдаланилди. Кейинги гуруҳ манбаларини газета ва журналлар³⁰, соҳага доир расмий статистик маълумотлар ва расмий ҳужжатлар тўплами³¹ ҳамда ўрганилаётган даврда ипакчилик соҳасида фаолият юритган шахсларнинг оғзаки хотира ва эсдаликлари ташкил этди, улар тадқиқот натижаларининг ишончлигига ёрдам берувчи қиёсий таҳлиллар учун имкон яратди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Россия империяси ва совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон халқлари ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз берган трансформация жараёнларининг моҳияти ва хусусиятини ёритишда назарий хулосалар ҳамда янги услубий ёндашувларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти шунда кўринадики, ишда илгари сурилган илмий ғоялар, келтирилган материаллар ва хулосалардан Ўзбекистон тарихини ўқитиш, жумладан, махсус курслар ишлаб чиқиш, ипакчилик тарихига доир дарслик, ўқув қўлланмалари яратишда ҳамда маърузалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқот натижаларини Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш учун ҳам жалб қилиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда ипакчилик соҳасидаги аҳвол ва трансформация жараёнлари (1865–1991 йиллар) мавзуси бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Фарғона водийсининг ўзига хос ипакчилиги, ипак маҳсулотлари ички ва ташқи савдоси, маҳаллий хунармандлар фаолиятига оид илмий хулосалардан Фарғона вилояти тарихи ва маданияти музейининг «XIX аср охири – XX аср бошларида Фарғона водийси» бўлими экспозицияларини тўлдиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 12 мартдаги 01-11-08-1667-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижасида тўпланган ҳужжат ва материалларнинг музейлар экспозицияларида намойиш қилиниши фуқороларнинг Ватанимиз тарихи ва миллий анъаналаримизнинг давомийлиги бўйича тасаввурларини бойитишга хизмат қилган.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда ипакчилик соҳаси ишчи-ходимларининг яшаш шароити ва меҳнат муҳофазасига оид илмий натижалардан ОТ-Ф1-133 Ўзбекистоннинг энг янги тарихи (4 жилдлик) фундаментал лойиҳа (2017–2020 йиллар) доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2018 йил 19 апрелдаги 3/1255-1006-сон маълумотномаси). Ушбу китоб Ўзбекистон тарихи бўйича

³⁰ «Туркестанские ведомости», «Туркистон вилоятининг газети», «Окраина», «На рубеже» каби хусусий газеталар, «Садои Туркистон», «Садои Фарғона», «Туркестанское сельское хозяйство», «Кизил Ўзбекистон», «Совет Ўзбекистони», «Правда Востока» ва бошқа газета-журналлар.

³¹ Сборник материалов для статистики Самаркандской области. – Самарканд: Типолитография Н.В.Полторанова, 1890; Справочная книжка Самаркандской области. – Самарканд: Товарищество, 1902; Адрес-справочник Туркестанского края. – Ташкент, 1910; «Народное хозяйство СССР» ва «Народное хозяйство Узбекской ССР» номли йиллик статистик маълумотномалар.

яратилаётган илмий фундаментал тадқиқот ҳисобланиб, берилган маълумотлар орқали тегишли параграф илмий салоҳияти оширилди.

Ўзбекистонда ипакчиликнинг аҳволи ва трансформация жараёнларига, хусусан пилла етиштириш ва ипак тайёрлаш тажрибаси, ипакчилик саноати тарихига оид тадқиқот натижаларидан «Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг ипакчилик тарихига доир материаллари базасини янги маълумотлар билан бойитиш, статистик таҳлил, тизим корхоналарида миллий ва анъанавий асосда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш жараёнларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг 2018 йил 30 мартдаги ША-02-18/523-сон маълумотномаси). Ушбу тадқиқот натижасида тақдим этилган материаллар ипакчилик тизими миллий анъаналаримиз ва замонавий талаблар асосида уйғун ривожланишига хизмат қилади.

ипакчилик илмий асосларининг яратилиши соҳанинг ривожланишида муҳим омил бўлгани ҳамда Ўзбекистонда ипакчиликнинг аҳволига оид тадқиқотларнинг илмий хулосаларидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг Фарғона вилоят телерадиоканалининг «Интервью» кўрсатуви сценарисини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Фарғона вилоят телерадиоканалининг 2018 йил 27 февралдаги 12-01/19-сон маълумотномаси). Бу телетомошабинларга ипакчилик тарихи ва бугунги кунига доир маълумотлар таъсирли етказилиб, ватанпарварлик, миллий анъаналаримизга ҳурмат туйғулари шаклланишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуман ва семинарларда, жумладан, 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган. Бундан ташқари, тадқиқотнинг айрим масалалари акс этган илмий рисола ҳам чоп этилган. Тадқиқот Фарғона давлат университети тарих кафедрасида бажарилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий иш, жумладан, 1 та илмий рисола чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, саккизта параграф ва хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати, иловадан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад, вазифалари ҳамда ўрганиш объекти ва предмети аниқланган. Шу билан биргаликда, тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги баён қилиниб, ишнинг

илмий янгилиги, амалий натижалари кўрсатиб ўтилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳамда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Бундан ташқари, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар қайд этилган.

Диссертациянинг «**XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда ипакчиликнинг аҳволи**» деб номланган биринчи бобининг **биринчи параграфида** Туркистон маҳаллий аҳолисининг катта қисми мазкур соҳада фаолият юритгани ва ипакчилик уларнинг асосий анъанавий хўжаликларидан бири бўлгани очиб берилди. Чунончи, XIX аср охири – XX аср бошларида Наманган, Марғилон, Андижон округларида истиқомат қилган аҳолининг кўпчилиги ипакчилик соҳаси билан машғул бўлган. Фарғона водийсидаги Марғилон ва Наманган шаҳарлари ипакчилик анъаналарининг қадимий ўчоқларидан саналган³². Айниқса, ипакчиликнинг асосий марказлари сифатида Қўқон ва Марғилон эътироф этилган³³. Шунингдек, Чуст шаҳри ҳам ипакчилик соҳасида ўз ўрнига эга бўлган³⁴. XX аср бошларида Туркистон вилоятлари ичида Сирдарё вилоятида – 84 та, Самарқанд вилоятида – 157 та, Фарғона вилоятида – 304 та ипак етиштириш пунктлари мавжуд бўлган³⁵.

1860-йилларда Туркистон ўлкасидаги деҳқон хўжалиklarининг 40 фоизи (мавсумда) ипакчилик билан бандлиги ўша давр иқтисодий ҳаётида ушбу хўжалик тармоғи муҳим ўрин тутганидан далолат беради³⁶. Бу ҳолат XX аср бошларида ҳам ўзгармаган. Жумладан, 1901 йилда Фарғона вилоятидаги мавжуд 253 650 хўжаликдан 91 607 таси, яъни 36 фоизи ипак қурти боқиш билан шуғулланган³⁷. Наманган уездида мавжуд 10 898 хўжаликдан 5 608 таси, яъни 51,5 фоизи, Марғилон уездида эса 54 451 хўжаликдан 23 262 таси, яъни 42,7 фоизи, Қўқон уездида 50 389 хўжаликдан 20 323 таси, яъни 40,3 фоизи ипакчилик билан банд бўлган. Шунингдек, мазкур даврда Андижон уездидаги 45 963 хўжаликдан 12 298 таси, яъни 26,7 фоизи ипакчилик билан шуғулланган³⁸.

Фарғона вилоятида 1901 йилда 7 та, 1907 йилда 9 та ипак қурт уруғчилиги корхоналари фаолият олиб борган бўлиб, уларга 1914 йилда яна 2 та корхона қўшилган³⁹. 1913-1914 йилларда Туркистондаги жами ипак қурти уруғи тайёрлайдиган корхоналар сони 11 тага етган ва улардаги ишчилар сони 1 117 нафарни ташкил этган. Шунингдек, пиллахоналар сони бу вақтда

³² Махкамова С. Узбекские абровые ткани. – Ташкент, 1963. – С.8.

³³ Полевицкий А. Туркестанский край. – Екатеринодар, 1890. – С. 41.

³⁴ ЎзР МДА, И.87-фонд, 1-рўйхат, 277-иш, 34-35 варақлар.

³⁵ Малаховский Н.И. Производственные силы Туркестана. – СПб., 1909. – С. 9.

³⁶ Хафизов Н. Шелководство Средней Азии (Развитие и экономика). – Ташкент: Узбекистан, 1969. – С. 3-4.

³⁷ Ежегодник Ферганской области за 1902 г. – Новый Маргелан, 1903. – С. 189.

³⁸ Ежегодник Ферганской области. – Новый Маргелан, 1902. – С.186-188.

³⁹ Заорская В.В., Александер К.А. Промышленные заведения Туркестанского края. – Петроград, 1915 – С. 205.

31 тани ва улардаги ишчилар сони 2 500 нафарни ташкил этган⁴⁰. Шу билан биргаликда, маҳаллий тадбиркорлар ипак қурти уруғи сифатини яхшилаш ишларида ҳам иштирок этганлар. Улар хориждан ипак қурти уруғларини олиб келиб, ўлкада ипакчиликни ривожлантиришга ҳаракат қилганлар. Жумладан, маҳаллий тадбиркор А.Х.Юнусов биринчи бўлиб Япониядан Ўрта Осиёга сифатли ипак қурти уруғлари олиб келиб кўпайтирган⁴¹.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфида ипак ва пилла етиштиришнинг анъанавий усуллари ҳамда ундан XIX аср охири – XX аср бошларида фойдаланиш жараёнлари кўрсатиб берилган. Ипак тўқиш ҳунари билан асосан шаҳар ва унинг атрофидаги қишлоқ аҳолиси шуғулланган. XIX асрнинг охирларида Марғилонда 120 та шойи ва 61 та адрас тўқийдиган, 33 та шойи рўмол тайёрловчи ва 154 та пиллакашлик устахоналари мавжуд бўлган⁴². Қўл кучи билан ишлатиладиган тўқув дастгоҳлари, одатда, ҳунарманднинг уйида ўрнатилган. Битта хонада икки ва ундан кўп тўқув дастгоҳлари бўлиб, уларда шойи, ярим ипакли матолар, атлас тўқилган. Мато тўқиш бошлангунга қадар кўп меҳнат талаб этиладиган бир қанча босқичда иш жараёнларини бажариш талаб этилган. Жумладан, бозордан сотиб олинadиган ипак калаваларга кўшимча ишлов бериш, крахмаллаш, ипни мокининг найчасига ўраш каби ишлар бажарилган. Найчага ип ўраш, одатда, чарх⁴³ ёрдамида амалга оширилган. Чаққон ишчи бир кунда 3 фунт ипак тўқиган, ҳафта мобайнида эса 2 ботмон⁴⁴ ипак тайёрлай олган. Бир чориқ⁴⁵ пилладан 10 пайса⁴⁶ ипак олинган, сифати пастроқ бир чориқ пилладан 7 пайса ипак олинган⁴⁷. Маҳаллий ипак тайёрловчи ишчилар ипакчилик корхоналарида ҳафтанинг 5,5 кунда ишлаган, яъни пайшанбанинг иккинчи ярми ва жума тўлиқ дам олиш куни бўлган. Ёз фаслида ипак тайёрловчиларнинг иш соатлари ўртача 11 соат, баҳор ва куз фаслларида эса 9 соатни ташкил қилган. Қишда ипак тайёрлаш корхоналари ишламаган⁴⁸.

Ҳунармандчилик устахоналарида ишчи пиллакаш-тўқувчиларга ишбай асосида ҳақ тўланган⁴⁹. Ҳудудлар бўйича ишчиларнинг иш ҳақлари турлича бўлган. Масалан, Самарқандда тайёрланган бир ботмон (10 пуд) ипакка 8 рубль, Бухорода пиллакашга 10 танга⁵⁰, найчачи ва чархчиларга 6-7 тангадан

⁴⁰ЎзР МДА, Р.27 - фонд, 1-рўйхат, 764- иш, 551-552-варақлар.

⁴¹ ЎзР МДА, И.1- фонд, 11- рўйхат, 800-иш, 10-варақ; Ежегодник Ферганской области. – Новый Маргелан, 1902. – С. 171.

⁴² Зияева Д.Х. Ўзбекистон шаҳарлари XIX аср охири – XX аср бошларида. – Тошкент: Munis design group, 2013. – Б. 93.

⁴³ Чарх-ип йиғиришда ишлатиладиган махсус асбоб, унда асосан пахта, жун, ипак толалари йиғирилиб ип тайёрланган.

⁴⁴ 1 ботмон – 10 пуд (Ботмон - 2 дан 11 пудгача ҳажмдаги оғирлик ўлчови) ёки 898,5 граммга тенг оғирлик ўлчов бирлиги (Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Биринчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б.329).

⁴⁵Бир чориқ – 6,5 фунт.

⁴⁶Бир пайса – тахминан 50 граммга тенг оғирлик ўлчов бирлиги (ёки 0,08 фунт). (Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Москва: Рус тили. – 1981. – Б.567).

⁴⁷Шелководство и шелкомотание в Средней Азии // Туркестанский сборник. Том 81. – С.105.

⁴⁸ Шелководство и шелкомотание в Средней Азии // Туркестанский сборник. Том 81. – С.103.

⁴⁹ ЎзР МДА, И.1-фонд, 15- рўйхат, 55-иш, 39-варақ.

⁵⁰ Бухоро кумуш пули 10 тангаси – 20 копеекка тенг бўлган.

ҳақ тўланган. Тошкент ва Қўқонда эса пиллакашга, найчачига, чархчига ҳам бир хил ҳақ тўланган. Пиллакашларнинг ўртача иш ҳақи 20 рубль 70 копеекни ташкил этган⁵¹.

XIX аср охири – XX аср бошларида маҳаллий уста-хунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган ипак маҳсулотлар жаҳоннинг турли шаҳарларидаги кўрғазмаларда намойиш этилган ва улар кўрғазма иштирокчиларида ижобий таассуротлар қолдирган. Жумладан, қўқонлик уста-хунармандлар ўз ипак маҳсулотларини Тошкент, Москва, Нижний Новгород ва Париждаги кўрғазмаларда намойиш этиб, юқори баҳоланган⁵². Самарқандлик савдогар ва кичик шойи тўқиш корхонаси эгаси бўлган Мирза Бухорий ишлаб чиқарган шойи матолар Харьковда ўтказилган кўрғазмада намойиш этилган. Шунингдек, унинг ипак маҳсулотлари 1878 йил Тошкентда бўлиб ўтган кўрғазмада олтин медаль билан тақдирланган⁵³.

Биринчи бобнинг **учинчи параграфида** XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон маҳаллий бозорларида пилла ва ипак маҳсулотларининг нархлари ҳамда уларнинг савдо географияси таҳлил қилинади. Чунончи, 1869 йилда Самарқанд бозорларида бир пуд пилланинг нархи ўртача 10 рубль 40 копеек ёки 11рубль 50 копеек атрофида бўлган⁵⁴. XX аср бошларида ҳам ушбу нарх деярли ўзгаришсиз қолган. Масалан, 1903 йилда Самарқанд бозорида бир пуд пилланинг нархи 10-12 рубль, Хўжандда 12-15 рубль, Жиззахда 9-12 рубль ва Каттакўрғонда 8-10 рубль бўлган. Бу вақтда Тошкент уездида пилланинг бир пуди 10-12 рублни ташкил этган⁵⁵. Шунингдек, ипакнинг кам тайёрланиши ва унинг катта қисми четга чиқарилиши ички бозорга ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Масалан, 1906 йилда Марғилонда бир пуд пилла 13,5 рублдан 19 рублгача кўтарилган бўлса, 1907 йилга келиб 23-25 рублдан сотилган⁵⁶.

Россия империяси босқинига қадар аксарият ипак хомашёси асосан Ўрта Осиё манфаатига хизмат қилган ва фақат озроқ қисмигина ҳудуддан бошқа жойларга жўнатилган. 1868 йилдан бошлаб эса ипак маҳсулотларининг аксарият қисми Россияга олиб кетила бошланган⁵⁷. Жумладан, мазкур даврда Туркистонда пиллачилик яхши ривожланган бўлиб, ҳар йили 100 минг пуд⁵⁸ пилла тайёрланган ва унинг 20 минг пуди Россияга жўнатилад эди⁵⁹. 1895 йилга келиб эса фақатгина Андижон уездининг ўзидан Россияга 16000 пуд пилла юборилган⁶⁰. Ўрта Осиёда темир йўлларнинг қурилиши натижасида 1887–1900 йиллар мобайнида Туркистон ипак маҳсулотларининг ташиб

⁵¹ Шелководство и шелкоматание в Средней Азии // Туркестанский сборник. Том 81. – С.118.

⁵² Головин Г. Кустарные промыслы Туркестана. – Ташкент, 1909. – С.8.

⁵³ Лунин Б.В. Свет из прошлого / Звезда Востока. – Ташкент, 1990. – № 6. – С. 126 - 127.

⁵⁴ Шелководство и шелкоматание в Средней Азии // Туркестанский сборник. Том 81 – С. 33.

⁵⁵ Малаховский Н.И. Производственные силы Туркестана. – СПб., 1909. – С.11-14.

⁵⁶ Тимаев К. Торговля в Ферганской области // Туркестанский сборник, Том. 508. – С.140.

⁵⁷ ЎзР МДА, 132- фонд, 1- рўйхат, 17-иш, 3-варак.

⁵⁸ Пуд -16 кг 380 граммга тенг оғирлик ўлчов бирлиги (Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 2006. – Б.319).

⁵⁹ Туркестанские ведомости. – 1871. – № 47, 48.

⁶⁰ ЎзР МДА, И.23-фонд, 1-рўйхат, 188-иш, 115-варак.

кетилиши 4,8 баробарга ошган⁶¹. Шу сабабли XX аср бошларига келиб Россия марказий губернияларига ташиб келинаётган ипак ва ипак хомашёсининг анчагина қисми Ўрта Осиёга тегишли бўлган. Масалан, Ўрта Осиёдан 1905 йилда 293,9 минг пуд пилла ва ипакнинг 100 минг пуддан зиёдроғи Россияга олиб кетилган. Ипак хомашёсини Россияга жўнатишда Ўрта Осиё Кавказортидан сўнг иккинчи ўринда турган⁶².

Ўз навбатида Россия империяси ҳукумати Туркистон пилла ва ипак маҳсулотларининг Ҳиндистон, Эрон ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинишига тўсқинлик қила бошлади. Жумладан, 1889 йилда Эргаштомда рус божхонасининг ўрнатилиши, 1899 йилда эса Кўкон божхонасининг ташкил этилиши ўлканинг Қошғар билан савдо муносабатларига салбий таъсир кўрсатган⁶³. Ўзаро савдода Ўрта Осиёдан Ҳиндистонга ипак маҳсулотлари ҳам чиқарилган. Ҳатто мазкур даврда Андижонда ҳинд савдогарлари Рамби-Паша ва Рамсу-Суфаларнинг ипак билан шуғулланувчи фирмалари мавжуд бўлган⁶⁴. Бироқ Ўрта Осиё ва Ҳиндистон савдо муносабатлари рус-ҳинд алоқаларига бўйсундирилган эди. Россия империяси молиявий жихатдан Европа давлатларига қарам бўлгани учун ипак савдосида европалик савдогарларга ён босишга мажбур эди. Жумладан, Италия, Франция ва Англия ипак ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари Туркистон ўлкасида ипак толасини сотиб олиб, Европадаги корхоналарига олиб кетганлар⁶⁵. Бундан ташқари, «Туманьяц» каби айрим рус фирмалари ипакни Европа бозорларига чиқарган⁶⁶.

«1917–1991 йилларда ипакчилик тармоғидаги ислоҳат ва ўзгаришлар» номли иккинчи бобнинг **биринчи параграфида** совет ҳокимияти йилларида соҳанинг ташкилий-бошқарув тизимидаги ўзгаришлар хронологик нуқтаи назардан таҳлил қилинган ва илмий асосларининг яратилиши кўрсатиб ўтилган.

1919 йилдан бошлаб Туркистон АССРда ипак ишлаб чиқариш ҳукумат тасарруфига ўтган ва ипакчилик соҳасини марказлаштириб бошқариш мақсадида «Марказипак» ташкил этилган⁶⁷. «Марказипак» зиммасига ипак қурти уруғини етиштириш, хом ва қуруқ пиллани тайёрлаш, унга ишлов бериш учун тўқимачилик, калавалаш фабрикаларини ташкил этиш, меҳнат коммуналари ва кооперативлари очиш, уруғ, пилла, ипак экспортини бошқариш вазифалари юкланган эди⁶⁸. 1921–1929 йилларда мазкур марказ

⁶¹ Шарафиддинов А. Фарғона вилояти тарихидан лавҳалар (XIX аср охири – XX аср бошлари). – Фарғона, 2013. – Б. 34.

⁶² Малаховский Н.И. Производственные силы Туркестана. – СПб., 1909. – С. 8, 9.

⁶³ Махкамов А. Взаимоотношения России с Восточным Туркестаном через Коканд во второй половине XIX – начале XX веков // Востоковедение. История. Филология – Ташкент, 1987. – С. 24.

⁶⁴ Путеводитель по Туркестану и Среднеазиатской дороге (под ред. Д.И.Дмитриева – Мамонова). – СПб., 1903. – С. 393.

⁶⁵ Насыров О.Н. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда акциядорлик жамиятлари ва ширкатлар тарихи: тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. – Тошкент: 2009. – Б. 33.

⁶⁶ Статистический обзор Ферганский област за 1904. – СПб., 1905. – С.31.

⁶⁷ ЎзР МДА, Р. 17-фонд, 1-рўйхат, 820-иш, 152-варақ.

⁶⁸ ЎзР МДА, Р. 27-фонд, 1-рўйхат, 192-иш, 49-59 варақлар.

ўрнида «Туркипак», «Ўзбек-Туркманипак» ва «Ўзбекипак» каби акциядорлик жамияти ва кўмиталар фаолият юритган⁶⁹.

1930–1940 йилларда ҳам ипакчилик соҳасининг ташкилий-бошқарув тизимларида ўзгаришлар давом этади. Жумладан, 1932 йил 10 августда ЎзССР Халқ комиссарлари совети қарори билан ЎзССР ҳудудида «Ўзбекипаксаноат» («Ўзбекшёлкпром») номи билан махсус ипакчилик трести иш бошлайди⁷⁰. ЎзССР Министрлар советининг 1946 йил 29 январдаги қарорига кўра, мазкур трестга ипакчилик ва тутчилик соҳалари бирлаштирилади⁷¹. 1953 йил 4 майда «Ўзбекипаксаноат» трести «Ипакчилик бош бошқармаси»га айлантирилган. Унинг таркибига Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Наманган, Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Қорақалпоғистон АССР ипакчилик идоралари ҳамда ҳудудлардаги ипак қурти уруғчилиги ва Самарқанд уруғ-селекция ипакчилик станциялари кирган⁷².

Шунингдек, мазкур даврда ипакчилик йўналишида илмий институтлар ташкил этилган ва улар соҳа бўйича илмий изланишлар олиб бориш билан бирга, ходимлар малакасини ошириш ҳамда ипакчиликка оид илмий адабиёт ва дарсликлар чоп этиш билан шуғулланганлар. Жумладан, 1922 йилда ипакчилик соҳасини илмий ташкил этишга қаратилган Тошкент ва Фарғона станциялари очилган⁷³. 1927 йил 12 ноябрда «Ўрта Осиё ипакчилик ва ипакшунослик институти» ташкил этилган⁷⁴ ва 1931 йилга келиб унинг номи «Ўрта Осиё ипакчилик илмий-текшириш институти» деб ўзгартирилган⁷⁵. Мазкур институт ипакчилик йўналишида илмий изланишлар олиб борган. Хусусан, институт ходимлари сифатли ипак берувчи Хитойнинг «Оро» ва Италиянинг «Асколи» навлари билан чатиштириб, янги турларни яратишга интилган. Бундан ташқари, Ўрта Осиё ипакчилик илмий текшириш институтида яратилган «Советская» нави 1950-йиллардан кейин ўзининг касалликларга чидамлилиги ва ҳосилдорлиги билан кенг оммалашган. Мазкур даврда ипак қуртининг яна бир нечта турлари яратилган⁷⁶. Институтнинг ташкил этилиши, айниқса, ипакчилик соҳасида йиллар давомида муаммога айланган «побрина» касаллигининг барҳам топишига ва ушбу соҳада кескин бурилиш ясалишига олиб келган⁷⁷.

Мазкур илмий изланишлар 1960-йилларда ҳосилдорликнинг ошишига сабабчи бўлган ва бу ўз навбатида соҳа ходимларининг даромадини кўпайтирган. Жумладан, пиллакашлар ипак қурти уруғи эски турининг бир

⁶⁹ ЎзР МДА, Р. 132-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 8-варақ; ЎзР МДА, Р.132-фонд, 2-рўйхат, 14-иш, 32-варақ; ЎзР МДА, Р.132-фонд, 6 - рўйхат, 86 - иш, 83-варақ; ЎзР МДА, Р.9-фонд, 1-рўйхат, 1098- иш, 25-варақ.

⁷⁰ ЎзР МДА, Р.837-фонд, 10-рўйхат, 412-иш, 3-варақ.

⁷¹ ЎзР МДА, И.1-фонд, 15-рўйхат, 90-иш, 7-варақ.

⁷² ЎзР МДА, И.1-фонд, 15-рўйхат, 90-иш, 8-варақ.

⁷³ Хафизов Н. Шелководство Средней Азии (Развитие и экономика). – Ташкент: Узбекистан, 1969. – Б.24.

⁷⁴ ЎзР МДА, Р.25-фонд, 1-рўйхат, 466-иш, 38 –варақ.

⁷⁵ ЎзР ИТТХ МДА, 107-фонд, 1-рўйхат, 45-иш, 42-варақ, 169-варақ.

⁷⁶ Хафизов Н. Шелководство Средней Азии (Развитие и экономика). – Ташкент: Узбекистан, 1969. – Б. 44, 78, 79.

⁷⁷ ЎзР ИТТХ МДА, 107-фонд, 1-рўйхат, 45-иш, 45-варақ.

кутисидан 113 рубль даромад олган бўлса, янги турларидан 224 рубль, яъни икки баробар кўп фойда олишган⁷⁸.

Шунингдек, ушбу илмий текшириш институти ипакчиликка доир кўплаб илмий адабиётлар нашр этган⁷⁹. Бундан ташқари, соҳа ходимларининг малакасини оширишда бу муассаса катта ўрин тутган⁸⁰.

Мазкур бобнинг **иккинчи параграфида** совет ҳокимияти йилларида ипакчиликнинг завод ва фабрика саноатига ўтиши ҳамда унинг натижалари таҳлил этилган. Хусусан, большевикларнинг сиёсати туфайли хусусий тарзда фаолият кўрсатаётган хунармандлар артелларга бирлаштирила бошланган. Шу сабабли 1920-йилларда ипак маҳсулотларини тайёрловчи хунармандлар артелларга бирлаша бошлаган бўлса⁸¹, ипак қурти етиштирувчилар ипак қурти уруғчилиги заводларида (грензавод) ўз фаолиятини олиб борган. Жумладан, 1921–1928 йилларда ипак қурти уруғи тайёрлаш ҳажми хусусий корхоналарда камайиб, давлат корхоналарида кўпайиб борган⁸².

Совет ҳокимияти йилларида ипакчиликда пиллани дастлабки қайта ишлаш фабрикалари ташкил этила бошланди. Дастлаб 1921 йилда Фарғонада 56 қозонли пиллакашлик фабрикаси барпо этилиб, бу корхона Ўрта Осиёда пиллани механик тарзда ўраш ва калавалаш ишини бошлаб берган⁸³. 1927 йилга келиб республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам пиллакашлик фабрикалари қурила бошланган. Ўша йилда Самарқанд пиллакашлик фабрикаси⁸⁴, 1928 йилда аввал Бухоро ва сўнг Марғилонда пиллакашлик фабрикалари ишга туширилган⁸⁵. 1958 йилдан бошлаб республика фабрикаларида автоматлашган станоклар, цехлар барпо этилган. Хусусан, 1958 йилда Бухоро пиллакашлик фабрикасида пиллани қайта ишловчи автоматлашган 96 та станокларга эга цехлар фаолият бошлаган⁸⁶. Бундан ташқари, 1980-йилларда Урганч, Шаҳрисабз, Наманган ва Булокбоши пиллакашлик корхоналари ишга тушган.

Айни пайтда пиллакашлик фабрикаларида олинган ипак толадан шойи матолар тўқишга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, 1925 йилда Марғилон атлас фабрикаси, Наманган ва Қўқон абрили газламалар корхоналари, 1926 йилда Қўқонда, 1928 йилда Марғилон, 1934 йилда Самарқандда шойи тўқиш фабрикалари ишга туширилган. Шойи газламалар 1937 йилга қадар табиий ипакдан тайёрланган. Кейинчалик кимё саноатининг ривожланиши натижасида сунъий ипак газламалар тўқиш ҳам кенг тараққий

⁷⁸ Хафизов Н. Шелководство Средней Азии (Развитие и экономика). – Ташкент: Узбекистан, 1969. – Б.83.

⁷⁹ ЎзР ИТТХ МДА, 107-фонд, 1-рўйхат, 45-иш, 278 – 279 варақлар.

⁸⁰ ЎзР ИТТХ МДА, 107-фонд, 1-рўйхат, 220-иш, 11-варақ; ФВДА, 96-фонд, 1-рўйхат, 53-иш, 33-35-варақлар; СВДА, 926-фонд, 1-рўйхат, 71-иш, 120-варақ; СВДА, 926-фонд, 1-рўйхат, 308-иш, 50-варақ.

⁸¹ БВДА, 53-фонд, 1-рўйхат, 14-иш, 301-варақ; История Коканда. – Ташкент: Фан, 1984. – С. 76.

⁸² ЎзР ИТТХ МДА, 107-фонд, 1-рўйхат, 220-иш, 1-варақ; Гудошников В.С., Минасянц С.А., Суханов А.А. Шелководство социалистического Узбекистана. – Ташкент, 1949. – С.34.

⁸³ ЎзР МДА, Р.1-фонд, 1-рўйхат, 278-иш, 256-варақ.

⁸⁴ СВДА, 494-фонд, 1-рўйхат, 1713-иш, 1-варақ.

⁸⁵ Лapidус Л. А. Развитие кокономотальной промышленности в Узбекской ССР. – Ташкент, 1971. – С.7.; Экономическая история советского Узбекистана (1917-1965 гг.). – Ташкент: Фан, 1966. – С. – 52. ; Рашидов Ш.Р. Совет Ўзбекистони. – Тошкент: Ўзбекистон, 1978. – С. 55.

⁸⁶ БВДА, 500-фонд, 1-рўйхат, 255-иш, 16-варақ.

этган. Масалан, 1960 йилда 24 062 минг метр узунликдаги шойи матолар ишлаб чиқарилган бўлса, шундан 12 010 минг метр узунликдагиси табиий ипакдан, 12 052 минг метр узунликдагиси сунъий ипакдан тайёрланган. 1968 йилда табиий ва сунъий ипакдан тайёрланган 46 369 минг метр узунликдаги шойи матолар ишлаб чиқарилган⁸⁷. 1980-йилларга келиб республикада шойи газламалар ишлаб чиқариш ўсиб, унинг ҳажми 113,8 млн метр квадратни ташкил этган⁸⁸.

Ипакчиликнинг завод ва фабрика саноатига ўтишида ўзига хос камчиликлар ҳам кўзга ташлангани қайд этиб ўтиш лозим. Жумладан, соҳа муаммоларидан бири пилла етиштириш билан уни қайта тайёрлаш ўртасидаги узвий боғлиқлик мавжуд эмаслигида эди. Шунингдек, 1965–1970 йилларда ипак саноатида юзага келган муаммолардан яна бири – сифатсиз ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг омборхоналарда захирада туриб қолиши эди. Оқибатда пиллакашлик фабрикаларида хомашёнинг катта қисми ўз вақтида ишланмаган ва туриб қолган қимматбаҳо маҳсулот табиий қиймати ва сифатини йўқотган⁸⁹. Етиштирилган пилла сифатининг пастлиги бирламчи ишлов берувчи технологияларнинг аҳволини ҳам ёмонлаштирган, чунки улар сифатсиз хомашё учун мослашмаган эди. Оқибатда корхоналарда ўрнатилган ускуналар тез фурсатда яроқсиз ҳолатга келган⁹⁰.

«Совет ҳокимияти йилларида ипакчиликнинг Ўзбекистон аҳолиси иқтисодий ва ижтимоий ҳаётидаги ўрни» номли учинчи бобнинг биринчи параграфида совет ҳокимияти йилларида ипак қурти боқиш ва пилла етиштиришдаги амалиётлар ҳамда тут дарахтларнинг ҳажмини кўпайтиришга қаратилган ҳаракатлар таҳлил қиланган.

1920–1930 йилларда Ўзбекистонда тут дарахтларининг ўтинга бўлган эҳтиёж ва бошқа сабабларга кўра кесилиши оқибатида уларнинг миқдори камайиб боради, бу ипакчилик соҳасига зарар етказа бошлайди⁹¹. Шу сабабли совет ҳукумати тут кўчатларини ўтказиш ва тутзорларни кенгайтириш чораларини кўради. Жумладан, «Туркипак» томонидан 1925 йилда 40 минг туп 2-3 йиллик тут кўчатлари аҳолига тарқатилган⁹². Шунингдек, 1924 йилдан 1926 йилгача бўлган вақт мобайнида тутзорлар барпо этиш 7 маротаба кўпайган⁹³. Республикада 1939 йилда тутзорлар майдони 8902 гектарни ташкил этган. Шу билан бирга аҳолига тут парваришlash бўйича йўриқномалар тарқатилган⁹⁴. Бундан ташқари, Ўзбекистон КП(б) Марказий қўмитаси XVI пленумида тут кўчатларини рухсатсиз кесиб олиб, ўз

⁸⁷ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1982 г. Стат. ежегодник. – Ташкент: Узбекистан, 1983. – С.59.

⁸⁸ СВДА, 494-фонд, 1-рўйхат, 37-иш, 1-варақ.

⁸⁹ ЎзССРда пилла етиштиришни кўпайтириш ва унинг сифатини янада яхшилаш чоралари тўғрисида // Совет Ўзбекистони. – 1970. – 3 апрель. – №78 (14544).

⁹⁰ Марғилон ипакчилик комбинати собиқ ишчиси Алижон Асқаров билан шахсий суҳбат материаллари. 1953 йилда туғилган (Тошлоқ тумани Қўшқўприк маҳалласи 26-уй). 2017 йил 24 ноябрь.

⁹¹ ЎзР МДА, Р.9-фонд, 1-рўхат, 1131-иш, 5-варақ; ФВДА, 96-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 24-варақ.; БВДА, 53-фонд, 1-рўйхат, 14-иш, 94-варақ.

⁹² Туркистонда ипакчилик саноати (Туркшёлк раиси муовини ўртоқ М. Турсунхўжаев билан мусохаба) // Туркистон. – 1924. – 20 октябрь.

⁹³ ЎзР ИТТХ МДА, 107-фонд, 1-рўйхат, 215-иш, 8-варақ.

⁹⁴ Наманган вилояти давлат архиви, 570-фонд, 1-рўйхат, 704-иш, 17-варақ.

манфаатлари йўлида ишлатганлиги учун жавобгарликка тортиш, ишини судга топшириш каби жазо чораларини қўллаш белгиланган⁹⁵.

Шунингдек, ариқ бўйларига кўчатлар экиш орқали тут дарахтлари кўпайтирилган. Масалан, 1946 йилда ҳар бир бригада ҳудудларидаги ариқ бўйларига 1500 тупдан тут кўчатлари экилган⁹⁶. 1989-1991 йиллар оралиғида эса колхоз аъзолари ва оилаларга 50 сотихли тутзорлар ижара пудрати йўли билан берилган бошланган⁹⁷.

Бундан ташқари, совет ҳокимияти пиллакашларга ипак курти уруғини етказиб бера бошлаган⁹⁸. Бироқ совет ҳокимияти иқтисодиётига хос бўлган миқдор кетидан қувиш шароитида ипак курти уруғи тарқатилиши 1970-1980 йилларда салбий оқибатларга олиб келган. Хатто колхоз ва совхоз пиллакашлари эҳтиёжидан ортиқ тарзда ҳам ипак курти уруғлари тарқатилган. Аксарият ҳолларда бундай ҳаракат ипак курти уруғларининг маълум бир қисми нобуд бўлишига олиб келган⁹⁹. Ушбу салбий ҳолатларни бартараф этиш учун маҳаллий аҳоли хатто ўзи яшаб турган уйлари ҳам ипак курти парвариши учун бўшатиб, уруғларни нобуд қилмасликка ва ҳосилдорлик режасини бажаришга интиланганлар¹⁰⁰.

Ўзбекистон ССР Совет Иттифоқи республикалари ичида СССР хазинасига пилла топширишда етакчи ўрнини сақлаб қолган¹⁰¹. 1927–1937 йилларда Ўзбекистон Иттифоқда етиштириладиган ипакнинг 50 фоиздан кўпроғини берар эди. Шунингдек, СССР миқёсида жами етиштирилган пиллани 100 фоиз деб олсак, 1949 йилда – 51,3 фоизи, 1955 йилда – 51,6 фоизи, 1960 йилда – 41,0 фоизи Ўзбекистон ССР томонидан тайёрланган¹⁰². 1961 йилда Ўзбекистон дунёда хом пилла тайёрлаш бўйича 4-ўринда турган¹⁰³. 1981 йилда Иттифоқ миқёсида (50782 тонна) етиштирилган пилланинг 60 фоизи Ўзбекистон ССРга (31879 тонна) тегишли эди¹⁰⁴. 1990 йилда Ўзбекистоннинг умумиттифоқ ишлаб чиқаришидаги салмоғи 67 фоизга етган эди¹⁰⁵.

Учинчи бобнинг **иккинчи параграфида** ипак ва ипак маҳсулотларининг ички ҳамда ташқи савдоси тўғрисида фикр юритилади. 1927 йилгача республикада пиллачилик бозори яхши ташкил этилмаган эди. Тайёрланган

⁹⁵ Хафизов Н.Р. Организация колхозного шелководства. – Ташкент, 1949. – С. 17.

⁹⁶ Градов А. Ипак курти устаси Ойлар Омонова. // Қизил Ўзбекистон. – 1946. –10-апрель. – №73.

⁹⁷ Фарғона вилояти Қўштепа тумани собиқ «Намуна» жамоа хўжалиги аъзоси Оминахон Раҳмонова билан шахсий суҳбат материаллари. 1947 йилда туғилган (Қўштепа тумани Ғиштмон кишлоғи, Янги ариқ, 50-уй). 2017 йил 22 ноябрь.

⁹⁸ ФВДА, 96-фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 10, 12, 14-варақлар.

⁹⁹ Фарғона вилояти Тошлоқ тумани собиқ «Куйбишев» жамоа хўжалиги аъзоси Қундузхон Алижоннова билан шахсий суҳбат материаллари. 1952 йилда туғилган (Тошлоқ тумани Қўшқўприк маҳалласи 72-уй). 2017 йил 24 ноябрь.

¹⁰⁰ Фарғона вилояти Қўштепа тумани собиқ «Намуна» жамоа хўжалиги аъзоси Оминахон Раҳмонова билан шахсий суҳбат материаллари. 1947 йилда туғилган (Қўштепа тумани Ғиштмон кишлоғи, Янги ариқ, 50-уй). 2017 йил 22 ноябрь.

¹⁰¹ Бутенко Г.В. Ускоренное выращивание шелковицы. – Ташкент, 1953. – С. 3.

¹⁰² ЎЗР ИТТХ МДА, 107-фонд, 1-рўйхат, 215-иш, 19-варақ.

¹⁰³ ЎЗР ИТТХ МДА, 62-фонд, 1-рўйхат, 394-иш, 35-варақ.

¹⁰⁴ Михайлов Е.Н. Инфекционные болезни тутового шелкопряда. – Ташкент: Ўқитувчи, 1984. – С.3.

¹⁰⁵ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г. – Ташкент, 1991. – С. 270-272.

пилла ҳосилини бозорда «Туркипак», «Давлатсавдо (Госторг)», ҳунармандчилик артеллари ва соҳа савдогарлари олар ва сотар эди. Масалан, 1925 йилда етиштирилган ҳосилнинг 60 фоизи маҳаллий бозорларда хом ҳолатда сотилган. Хом пилла харидорларининг 60 фоизи маҳаллий уй пиллакашлари, 15-20 фоизи «Туркипак» ва 20 фоизи маҳаллий «олиб сотарлар» бўлган¹⁰⁶.

Маҳаллий бозорларда «Туркипак» ипак маҳсулотлари истеъмоли бўйича доимий ва энг йирик бўғин ҳисобланган. Унинг савдода иштирок этмаслиги ипак хомашёсининг нархи тушиб кетишига сабаб бўлар эди. Ушбу ҳолат эса ипак курти боқувчилар ва ипак ўровчиларга ҳам зарар келтириб, бозорларда ипак маҳсулотлари арзон нархда «олиб сотарлар» кўлига ўтишига сабаб бўлган¹⁰⁷. «Туркипак»нинг дўконлари, савдо ва ишлаб чиқариш бўлимлари мавжуд бўлиб, улар Тошкент, Фарғона, Қўқон, Андижон, Наманган, Ўш, Марғилон, Асака, Чимён, Самарқанд, Хўжанд, Жиззах, Полторацк, Бухоро ва Кармана ҳудудларида жойлашган эди¹⁰⁸.

Шунингдек, ички бозорларда хусусий савдогарлар ипак нархларининг ҳолатини бошқариб борган¹⁰⁹. Пилла етиштириш билан шуғулланувчи аҳоли пиллани «олиб сотарлар» ва уйда ипак мато тўқувчиларга сотишдан кўпроқ фойда олган. Чунки «олиб сотарлар» ва уйда мато тўқувчилар давлат идораларига қараганда қимматроқ нархда харид қилган.

Замон ўзгариши билан ипакчиликнинг кишилар турмушига ижобий таъсири ошиб, табиий ипакнинг турли тармоқлардаги ўрни ва аҳамияти ортиб борган. Ипак тиббиётда жарроҳлик амалиётида ингичка, чидамли эканлиги учун ташқи ва ички жароҳатларни тикишда қўлланилгани билан ҳам муҳим аҳамият касб этган. Мамлакат ҳарбий техникасидаги ипакнинг ўрни бекиёс ҳисобланган, парашютлар ишлаб чиқаришда, электроизоляцияда, танк ва сув қайиқлари, артеллериячилар портловчи снарядларнинг ғилофлари яшаш кабиларда ишлатилгани унга бўлган талабни кучайтирган¹¹⁰.

1920-йилларда «Туркипак» акциядорлик жамияти ипак маҳсулотларини хорижий мамлакатларга сотиш билан ҳам шуғулланган. Шу мақсадда Эрон, Шарқий Туркистон, Франция, Италия каби мамлакатлар билан ўзаро савдо-сотиқ алоқалари олиб борилган. Мазкур давлатларга Москва орқали ипакчилик маҳсулотлари экспорти амалга оширилган. Масалан, 1922 йил Туркистон Эрон, Афғонистон, Қошғар, Хитой каби хорижий давлатлар билан ипак маҳсулотлари айирбошланган¹¹¹. 1960–1970-йилларда Ўзбекистондан четга чиқариладиган маҳсулотлар орасида ипак хомашёси асосий ўринлардан бирини эгаллаган¹¹².

¹⁰⁶ ЎзР МДА, Р.9-фонд, 1- рўйхат, 78 - иш, 75-варақ.

¹⁰⁷ ЎзР МДА, Р.1-фонд, 1-рўйхат, 73-иш, 25-варақ.

¹⁰⁸ ЎзР МДА, Р.132-фонд, 2-рўйхат, 26-иш, 79-варақ.

¹⁰⁹ ЎзР МДА, Р.86-фонд, 1-рўйхат, 2362-иш, 39-варақ.

¹¹⁰ ЎзР ИТТХ МДА, 107-фонд, 1-рўйхат, 215-иш, 8-варақ.

¹¹¹ ФВДА, 96-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 32-варақ.

¹¹² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Иккинчи китоб. – Тошкент, 2000. – Б. 592.

Мазкур бобнинг **учинчи параграфида** пилла етиштирувчи маҳаллий аҳолининг моддий турмуш тарзи, унда пилланинг иқтисодий аҳамияти ва меҳнат муҳофазаси кўрсатиб ўтилади. Ипак қурти боқиш жараёнига колхозчилар билан бирга уларнинг барча оила аъзолари жалб қилинган¹¹³. Республика ипак тўқиш саноати 1925 йилда 160 000 нафар ишчига эга бўлиб, шундан ипак ўраш иши билан 5 000 нафар уста-хунарманд ва калавани бўйлаб ишида 3000 уста-хунарманд шуғулланган¹¹⁴.

Ипакни қайта ишлаш саноатида ишчилар маоши миқдори бошқа соҳаларга қараганда камроқ бўлган. Ушбу ҳолатнинг сабаби сифатида «ипакчилик саноатига малакасиз ишчилар кенг равишда тортилгани» кўрсатилган¹¹⁵. Масалан, 1978 йилда пиллакашлик фабрикаларида ўртача иш ҳақи 135 рублни, 1981 йилда эса 144,6 рублни ташкил этган. 1983 йилда Ўзбекистон ССРда ўртача ойлик маош 159,1 рубль¹¹⁶ бўлса, пиллакашлик фабрикаларидаги ўртача ойлик маош 148,8 рубль бўлган¹¹⁷.

Советларнинг жамоалаштириш сиёсатига мос равишда колхозларда ипак қуртларининг боқилиши, тутзорларнинг барпо этилиши хўжаликлар учун кўшимча даромад манбаи эди¹¹⁸. Колхозлар ҳам ипакчиликдан яхши даромад олган. Жумладан, 1932 йилда 25 граммлик бир қути ипак қурти уруғидан деҳқон хўжалиги ўртача 32-40 кг дан ҳосил олиб, унинг даромади 50-60 рубль атрофида бўлган¹¹⁹. Масалан, республикадаги Фрунзе номли колхоз 1946 йилда 554 минг рубль, 1947 йилда 670 минг рубль, 1948 йилда 810 минг рубллик даромад олган¹²⁰.

Ипакчилик корхоналари ишчиларининг меҳнат муҳофазаси йиллар мобайнида узил-кесил ҳал қилинмаган муаммолардан бири бўлиб келган. Масалан, 1927-1928 йилларда ҳам «Туркипак» нинг мавжуд фабрикаларида қурилишлар тўлиқ якунланмаган эди. Шунингдек, Марғилон ипакчилик комбинати фабрика биносида иссиқлик манбаи трубалари ва ҳаво шамоллатиш тизимлари тўлиқ жиҳозланмаган, ишчиларга уй-жойлар етарли эмас эди¹²¹. Маълумки, ипак ишлаб чиқаришнинг ўз ишлаш шароити ва технологияси мавжуд бўлиб, соҳа ишчисига ўзига хос касбий касалликлар юзага келарди. Нафас қисиши (бронхиал астма) – ипак қурти уруғчилиги заводи ишчиларида, касбий дерматит ва ангина каби касалликлар асосан автоматлаштирилмаган, механик тарзда ишлайдиган ипакчилик фабрикаси ишчиларида кўп учраб эди¹²². Кейинги йилларда ҳам бундай ҳолатлар тез-тез

¹¹³ Хафизов Н.Р. Организация колхозного шелководства. – Ташкент, 1949. – С. 34.

¹¹⁴ ЎзР МДА, Р.20-фонд, 1-рўйхат, 117-иш, 41- варақ.

¹¹⁵ Хўжаев Ф. Маданий - социал қурилиш. Танланган асарлар. Уч томлик . II том – Тошкент, 1978. – Б.287.

¹¹⁶ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1982 г. Стат. ежегодник. – Ташкент: Узбекистан, 1983. – С. 197.

¹¹⁷ Тухтасинов И., Эргашев Ю. Эффективность бригадного подряда (на примере Ферганской шелкомотальной фабрики им. Розы Люксембург). – Ташкент: Меҳнат, – 1985. – С.30.

¹¹⁸ Кутлов Ю.С. За ликвидацию агронегрмотности за повышение доходности шелководства. – Ташкент, 1932. – С. 7.

¹¹⁹ Кутлов Ю.С. За ликвидацию агронегрмотности за повышение доходности шелководства. – Ташкент, 1932. – С.5.

¹²⁰ Хафизов Н.Р. Организация колхозного шелководства. – Ташкент, 1949. – С. 61.

¹²¹ ЎзР МДА, Р.95-фонд, 1-рўйхат, 1950-иш, 13-варақ.

¹²² ЎзР ИТТХ МДА, 62-фонд, 1-рўйхат, 478-иш, 2-варақ.

учраб турган. Масалан, 1958-1960 йилларда республикада мавжуд 6 та ипакчилик комбинати ҳамда фабрикаларида ангина ва йирингли тери касалликлари билан касалланган ишчилар сони ортиб борган¹²³. Айниқса, Фарғона водийсида ипак ишлаб чиқаришнинг ўсиши билан боғлиқ илгари ҳеч қайд этилмаган касб касалликлари кузатилиб, касбий дерматит ва ангина билан касалланган кишилар сони кўпайгани қайд этилган¹²⁴.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Россия империясининг ҳарбий экспанцияси натижасида ўлка забот этилиб, Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил қилинган, маҳаллий аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутиб келган ипакчилик соҳасида ўзига хос трансформация жараёни юз берди. Хусусан, ҳукумат ўлкада ипак қурти уруғчилиги, пилла қуритиш, ипакни калавалаш каби корхоналарни барпо этди. Бироқ Туркистонга асосий хомашё манбаи сифатида қараган Россия империяси ҳукумати ўлкада ипакдан тайёр маҳсулотлар тайёрлайдиган корхоналар қуришга ҳаракат қилмади.

2. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон пилла етиштириш кўрсаткичлари бўйича Россия империясида Кавказ ҳудудларидан кейинги ўринда турган бўлса, совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон ССР доимий равишда етакчилик қилган. Ўрганилган даврда Фарғона водийси пилла етиштириш ва уни қайта ишлашда асосий ўринни эгаллаган.

3. Ўрганилаётган даврда ипакчилик соҳасида трансформация жараёнлари юз берди. Хусусан, совет ҳокимияти йилларидаги ипакчилик соҳаси ташкилий-бошқарув тизими ҳам бундан мустасно эмас эди. Тизим фаолиятини бошқариш учун бир қатор ташкилий-тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилди. «Марказипак», «Туркипак», «Ўзбек-Туркманипак», «Ўзбекипак» ва «Ўзбекипаксаноат» каби номлар билан ипакчилик бошқаруви тизими фаолият олиб борди.

4. Россия империяси ҳукмронлиги йилларида соҳанинг илмий жиҳати эътибордан четда қолган бўлса, совет ҳокимияти йилларида ипакчиликни илмий ўрганиш йўлга қўйилиб, соҳанинг илмий асослари яратилган. Совет ҳокимияти йилларида ипакчилик соҳасида бир неча илмий-тадқиқот институтлари ташкил этилган ва бу ҳолат ўлкада ипак саноатининг ривожланишига олиб келган. Айниқса, Ўрта Осиё ипакчилик илмий-текшириш институти олимларининг изланишлари натижасида ўлкада чидамли ва ҳосилдор янги ипак қурти навлари яратилган. Шунингдек, ушбу институт ходимларининг тадқиқотлари натижасида ипак қурти касалликларига қарши самарали кураш чоралари топилган.

5. Россия империяси ҳукмронлиги йилларида ипакчилик билан, асосан, маҳаллий уста-хунармандлар хусусий тарзда шуғулланган. Бироқ, совет

¹²³ ЎЗР ИТТХ МДА, 62-фонд, 1-рўйхат, 394 -иш, 38-варақ.

¹²⁴ ЎЗР ИТТХ МДА, 62-фонд, 1-рўйхат, 394 «а»-иш, 10-варақ; ЎЗР ИТТХ МДА, 62-фонд, 1-рўйхат, 394 «а»-иш, 26-варақ.

ҳокимияти йилларида хусусий мулкни давлат тасарруфига ўтказиш жараёни юз берган. Натижада уста-хунармандлар артелларга бирлаштирилиб, ипак қурти уруғчилиги заводлари ва автоматлашган станокларга эга пиллакашлик фабрикалари фаолият бошлаган. Мазкур жараёнлар ипак маҳсулотларининг ҳажмини оширишга ёрдам берган, бироқ завод ва фабрика фаолиятида бир қанча камчиликлар кўзга ташланган. Жумладан, совет ҳокимияти йилларида миқдор ортидан қувиш маҳсулот сифатига жиддий зарар етказган. Шунингдек, пилла етиштириш ва уни бирламчи қайта ишлаш корхоналарининг ҳудудий яқинлиги таъминланмагани табиий тола сифатининг пасайишига олиб келган, чунки аксарият ҳолларда пилла захираси омборларда туриб қолган. Бундан ташқари, ипакчилик корхоналарида етарлича меҳнат шароитлари яратилмаган ҳамда ишчиларнинг меҳнат муҳофазаси тўлиқ йўлга қўйилмаган эди.

6. Россия империяси ҳукмронлиги даврида ҳамда совет ҳокимияти йилларида ипак хомашёсининг аксарият қисми марказга олиб кетилган. Таъкидлаш жоизки, бу кўрсаткич совет ҳокимияти йилларида ошиб борган.

7. Россия империяси ва совет ҳокимияти йилларида ипак савдосида катта ўзгаришлар юз берди. Бу биринчи навбатда ипак савдоси билан шуғулланувчи гуруҳлар ва савдо географиясида кузатилди. Жумладан, Россия империяси даврига келиб ипак савдосининг асосий қисми рус ва хориж фирмалари томонидан амалга оширилган. Россия империяси Туркистоннинг Эрон, Ҳиндистон, Хитой ва Қошғар билан ипак савдоси олиб боришига тўсқинлик қилган. Бироқ уларнинг ўзлари Туркистон ипак ва ипак маҳсулотларини Европа фирмалари олиб чиқишига қарши бўлмаган.

8. 1865–1991 йилларда пилла етиштиришда асосий ишчи кучи аёллар ва болалар эди. Саноат тизимида, хусусан, пиллакашлик фабрикаларида ҳам аёлларнинг салмоғи йилдан-йилга ортиб борган ва бу ҳолат советларнинг «Ҳужум» ҳаракати билан ҳам боғлиқ эди.

9. Совет ҳокимияти йилларида «Туркипак», «Давлат савдо (Госторг)», «Вилоят савдо-саноат (Облпромторг)», «Шаҳар савдо-саноат (Горпромторг)», «Қишлоқ матлубот иттифоқи (Сельпо)» каби давлат ташкилотлари Ўзбекистон ҳудудида ипак олди-сотдиси билан шуғулланган. Ташқи савдода эса дастлабки йилларда Москвадаги «Аркас» акциядорлик жамияти, кейинроқ ЎзССР Ташқи савдо вазирлигининг Москвадаги улгуржи савдо базалари орқали экспорт амалга оширилган.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги **таклиф ва тавсияларни** бериш мумкин:

1. Совет ҳокимияти йилларидаги асосий муаммолардан бири – пилла етиштириш ва уни қайта ишлаш саноатининг ҳудудий яқинлиги таъминланмаган эди. Мустақиллик йилларида ушбу номуносиблик барҳам топиб, пилла етиштириш ва ипак саноати ҳудудий бирлиги таъминлана бошлади. 2018 йилдан Жиззах ва Марғилон шаҳарларида кластер усулида ипак қурти боқиш ва пилла етиштириш ҳамда маҳсулотлар тайёрлаш бўйича

инвестиция киритилиб, кредитлар берилди, ушбу фаолият янгича босқичга кўтарилмоқда. Ушбу жараёни янада кенгайтириш ва ривожлантириш зарур.

2. Ипакчилик соҳаси ишчи-хизматчиларининг меҳнатига яраша ва вақтида ҳақ тўлаш тартибининг йўлга қўйилиши соҳанинг барча жабҳаларида самарадорликка сабаб бўлади.

3. Соҳадаги инновацияларнинг оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб этилиши ипакчиликда янгича мотивациялар вужудга келишига хизмат қилади. Шунингдек, ижтимоий тармоқларда ипакчилик корхоналари маҳсулотлари рекламасини акс эттирувчи видеороликлар намойишини ташкил этиш зарур.

4. Ипакчилик соҳасининг илмий жиҳатдан ўрганилиши, маҳсулдорликнинг ортишига ва ўз навбатида тадбиркор ҳамда давлатнинг даромади ортишига хизмат қилади.

5. Якка тартибда уй шароитида пилла етиштириш барча даврларда устувор бўлиб келгани ҳисобга олиниб, соҳада касаначилик тартибини уйғун ривожлантириш зарур. Ипакчилик соҳасида касаначиликнинг йўлга қўйилиши меҳнат шароитида қулайликка ва маҳсулот тайёрлаш сарф-харажатларининг қисқаришига олиб келади.

6. Тарихий тажрибага асосланиб, тутзорларни озиқ-овқат хавфсизлиги, захираларини таъминлаш зарурияти, экологик муҳит, яъни ҳавонинг мусаффолиги, иссиқ шароитларда соя-салқини ва совуқ пайтларда совуқдан ҳимоя қилиш хусусиятларидан келиб чиқиб кенгайтириш, кўпайтириш лозим.

7. Хорижлик сайёҳларни жалб қилиш мақсадида ипакчилик корхоналарида ипак матолар ва уларни тайёрлаш жараёнининг кўргазмали тарғиботи намойишини янада кенгайтириш лозим.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 27.06.2017. Tar.01.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА, КАРАКАЛПАКСКОМ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ФЕРГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АЛИМОВА НАРГИЗАХОН ОДИЛОВНА

**СОСТОЯНИЕ И ПРОЦЕСС ТРАНСФОРМАЦИИ ШЕЛКОВОДСТВА В
УЗБЕКИСТАНЕ (1865-1991 ГОДЫ)**

07.00.01 – История Узбекистана

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ИСТОРИЧЕСКИМ АУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В 2017.3. PhD/Tar171.

Диссертация выполнена в Ферганском Государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (<http://ik-tarix.nuu.uz>) и на Информационно-образовательном портале (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Шадманова Санавар Базарбаевна**
доктор исторических наук

Официальные оппоненты: **Хайитов Шодмон Ахмадович**
доктор исторических наук, профессор
Исмоилова Жаннат Хамидовна
доктор исторических наук, профессор

Ведущая организация: **Ташкентский государственный аграрный университет**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017. Tar.01.04 при Национальном университете Узбекистана, Каракалпакском научно-исследовательском институте гуманитарных наук. (Адрес: 100174, город Ташкент, улица Мирза Галиба, факультет истории Национального университета 1-этаж 110-аудитория). Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: pauka@nuu.uz Национальный университет Узбекистана.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за №__). Адрес: 100174, г. Ташкент, Университетская улица, дом 4. Административное здание Национального университета Узбекистана, 2 этаж, 4-й кабинет. Тел.: (99871) 236-46-55, факс: (99871) 246-02-04.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2018 года).

А.А. Маврулов
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.и.н., профессор

Х.Э. Юнусова
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.и.н.

Г. А. Агзамова
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, д.и.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На современном этапе развития большое внимание уделяется расширению экономических возможностей государств всего мира, в частности выращиванию природного шелкового волокна, являющегося важным сырьем для промышленных предприятий. Во всех странах мира возрастает значение таких вопросов, как создание конкурентоспособной системы в производстве шелковой продукции, применение на практике еще более эффективных методов выращивания природного волокна и совершенствования инфраструктуры данной отрасли, налаживание производства готовой шелковой продукции, увеличение экспортного потенциала отрасли. В таких странах, как Китай, Индия, Япония, Южная Корея, Вьетнам, выращивание шелковичного сырья является одним из актуальных вопросов. В настоящее время важными задачами шелководческой отрасли являются продуктивное использование агротехнических мероприятий, внедрение инноваций для улучшения качества природного волокна, обеспечение промышленных предприятий качественным шелковым сырьем.

В целом ряде научных центров и высших учебных заведений мира осуществляются научные исследования, посвященные вопросам состояния шелководства, истории его развития. В частности исследованы вопросы изменения в экономической жизни края, возникновения шелководства, состояние сельского хозяйства, история создания выносливых и урожайных сортов шелковичных червей, изготовление из шелка таких тканей как бекасам, банорас, адрас, а также их место во внутренней и внешней торговле. В результате этих научных исследований в мировом масштабе достигнуты важные результаты по вопросам создания новых урожайных, выносливых сортов шелкопряда и создания качественных шелковых тканей.

В Узбекистане шелководство признано одной из важнейших отраслей экономики. В целях развития шелководства за прошедшие годы сформирована современная материально-техническая база, что привело к коренным изменениям системы шелководства в целом. Открыты широкие возможности для осуществления международного сотрудничества в сфере торговли изделиями из шелка и обмена опытом. Осуществляется важная деятельность по привлечению в шелководческую промышленность иностранных инвестиций, переработке шелка-сырца, производству конкурентоспособной на мировом рынке готовой продукции, увеличения экспорта. Поэтому, как утверждает Президент Республики Узбекистан Ш. Мирзиёев, «Шелководство наше национальная ценность, богатство. Оно дает возможность получения до трех урожаев, производства готовых тканей, получения высоких прибылей»¹.

Данная диссертация в определенной степени будет служить

¹ Ҳосилдор тут нави Президентимизда катта таассурот қолдирди // <http://president.uz/uz/lists/view/1738> 19.05.2018.

выполнению задач, предусмотренных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП №2856 от 29 марта 2017 года «О мерах по организации объединения «Узбекипаксаноат» и ПП № 3472 от 12 января 2018 года «О мерах по дальнейшему развитию шелководства в республике», Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», а также задач по дальнейшему развитию и либерализации, направленных на укрепление макроэкономической стабильности, повышение конкурентоспособности национальной экономики, модернизации сельского хозяйства, стимулировании развития предпринимательства.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологиям в республике. Настоящее исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением науки и технологий I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Работы авторов, посвящённые вопросам состояния и изменений в системе шелководства с точки зрения их создания, можно разделить на четыре основные группы: 1) Литература, относящаяся к периоду господства Российской империи; 2) Исследования, относящаяся к периоду существования советской власти; 3) Научные исследования периода независимости; 4) Литература, изданная за рубежом.

В литературе, относящейся к первой группе, были изучены некоторые аспекты шелководческой отрасли в период господства Российской империи. В частности, описаны данные о видах грен (яйца бабочки шелкопряда), об уходе за ними, переработке сырья, принципах изготовления и видах шелковых тканей, о ценах на шелк и торговле шелком, о получаемых доходах с шелка, о деятельности шелководческих предприятий и о ремесленниках².

В трудах второй группы, созданных в годы советской власти,

